Ушбу сонда:

2 ҚУРУЛТОЙДАН-ҚУРУЛТОЙГАЧА

3 «АЙЛА БАСИРАТ КЎЗИ БИРЛА НАЗАР...»

4 "ТЕЗ ЁРДАМ" ЙЎЛГА ЧИҚДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 9 феврал, чоршанба № 24 (1865)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ислом КАРИМОВ:

Алишер Навоийнинг тарих ва башарият олдидаги улуғ хизматларидан бири шундаки, у адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарди, одамзотни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асраб-авайлашга чорлаб ўтди.

СЎЗ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон мустақиллиги Алишер Навоийга гўёки иккинчи ҳаёт бағишлади. Шоирнинг 660 йиллик юбилейи тантанасида сўзлаган нутқида бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шундай деган эдилар:

«Ўзбекистон истиқлолга эришган 1991 йилни Навоий йили деб эълон қилганимиз, ўша унутилмас кунларда бобомиз руҳини шод этиш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкентда ул зотнинг табаррук номида Миллий боғ барпо этиб, унинг тўрида шоирга муаззам ҳайкал ўрнатганимиз бу борадаги хайрли ишларимизнинг дебочаси бўлган эди».

Давлатимиз раҳбари Алишер Навоий ижодига кўп бор жамоатчилик диққатини жалб қилиб, шоир асарларининг маънавий-ахлоқий тарбия учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлагани ҳамда Навоийга давлат миқёсида эътибор берилаётганини янги фуқаролик жамиятини қуриш ва унинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда шоир ғоялари ва фикрлари биз билан биргалигини кўрсатади.

Шарқнинг барча улуғ сўз санъаткорлари ва мутафаккирлари каби комил инсон ғояси Алишер Навоий ижодининг ҳам шоҳ томирини ташкил этади. Мустақил Ўзбекистон маънавий сиёсатининг асосида ҳам комил инсонларни тарбиялаб етиштириш ғояси ётади.

Навоийнинг инсон хусусидаги қарашлари баландпарвоз ҳам, мавҳум ҳам эмас.

Одами эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами, -

деган шоир инсонни жамиятдан ажратиб қарамайди ва чинакам инсонийликни айнан миллатнинг дардига малҳам, халқ хизматига камарбаста, одамлар ташвишига шерик бўлишда, деб билади. Жамиятга фойдаси тегмайдиган, халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одам эса инсон деган шарафли номга муносиб эмас. Бу - Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг муҳим нуқта.

Навоий маънавий гўзалликни жисмоний гўзалликдан ажратиб қарамагани сингари илм билан ҳунар ҳам ўзаро омухта бўлиши тарафдори. Яъни, маънавий етук киши жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, бу - комил гўзаллик ҳисобланади. Шунга ўхшаб, илмли одамнинг ҳунари ҳам бўлса, ўз навбатида, ҳунарманд ҳам илму маърифатдан бохабар бўлса, ҳақиқий баркамоллик - шу. Инсоннинг ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам илмда, ҳам ҳунарда етук бўлиши мақсадга мувофиқ.

3-бет

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» китобини нашрдан чикарди.





Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Юртбошимиз, аввало, парламент сайловларининг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб, Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиқлик ва демократик руҳда ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлганлигини таъкидлайди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш борасидаги устувор вазифа ва йўналишлар аниқ-равшан кўрсатиб берилгани билан айниқса қимматлидир. Китобда уқтирилганидек, «мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади».

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалар эса аввалгидек - бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборатдир.

Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, «Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».

Президент Ислом Каримов мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадида олдимизга қўйган энг муҳим йўналиш ва устувор вазифалар юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишни, ҳамжиҳат ва самарали фаолият юритишни талаб этади.

Китоб ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада чоп этилган.

(ЎзА)

НАВОИЙ ВА ЗАМОН

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллиги кенг нишонланмоқда. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтган учрашувда таниқли ижодкорлар, олимлар, талабалар ва мумтоз адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, адабиётшунос олимлар - Суйима Ғаниева, Ботирхон Акрамов, Абдуғофир Расулов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда Навоийнинг ижодий меросини мукаммал тадқиқ ва тарғиб этишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар. Буюк мутафаккир асарларида илгари сурилган инсонпарварлик ва эзгулик ғояларини ёшлар онг-шуурига янада кенгроқ ва чуқурроқ сингдириш борасида ижодкор зиёлилар олдида турган вазифалар ҳақида сўзладилар.

(ЎзА)

Қўшма корхона — хориж ишончи

Фарғона тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқариш дастгоҳларини замонавийларига алмаштириш, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, шу билан бирга бошқарув тизимини ҳам янгича шакллантириш лозимлигини ҳаётининг ўзи кўрсатиб қўйди. Бозор талабларидан келиб чиқиб ишга киришилди.

Натижада комбинат ўрнида улкан «Kabool Fergana Co.LTD» қўшма корхонаси қад ростлади. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллик тўйи арафасида иш бошлаган мазкур корхона айни пайтда ўзининг барқарор ривожланиш йўлидан бормоқда.

Бу ерда иш суръати йилдан-йилга ортмоқда. Жумладан, 2004 йил давомида 37 миллиард 250 миллион сўмлик калава ип ва хом сурп ишлаб чиқарилди. Қувват президенти Ахад Абдуллаев. — Таъкидлаш жоизки, бизда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, йил давомида икки ёшгача фарзанд тарбиясида бўлган 165 нафар аёлга 13 миллион 140 минг сўм маблағ корхона ҳисобидан берилди. Шу билан бирга, бепул иссиқ овқат учун ташкилот ҳисобидан 203 миллион 305 минг сўм, транспортда ташишга эса 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича олиб борилаётган тадбирларга ҳам жиддий эътибор қаратилаётир. Ўтган йилнинг ўзида 6 миллион 790 минг сўмлик махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари сотиб олинди.

Муҳими, касаба уюшма саъй-ҳаракати билан корхонада иш берувчи томонидан меҳнат шартномасининг ноқонуний бекор қилиниш ҳоллари рўй бермади. Шунингдек, ишчилар малакасини ошириш ва шунга биноан касб бериш бўйича маъмурият билан биргаликда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2004 йилнинг ўзида 11 нафар илғор хотин-қизлар Жанубий Корея республикасига малака ошириш учун юборилди.

Корхонада турли спорт мусобақалари доимий равишда ўтказилмоқда. Ғолиблар муносиб рағбатлантирилмоқда. Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси томонидан 2003–2004 йилларда ўтказилган «Баллижамоа» кўрик-танловида корхона шарафини ҳимоя қилган «Дўстлик» жамоаси фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Касаба уюшма қўмитаси фаолиятининг сарҳисоби сифатида ўтган йили жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёзлар учун ҳар бир ходимга ўртача 141 минг 600 сўмдан маблағ сарф этилганини келтириб ўтиш лозим.

Жорий йилда ҳам меҳнаткашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, жамоа шартномасини аввалги йиллардагидан такомиллаштириш, унда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси ишларини кучайтириш, шу билан бирга «Сиҳат саломатлик йили» Давлат дастури доирасида тадбирлар уюштириш белгиланди.

Н.ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири

МАҲСУЛОТНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЭКСПОРТГА



вонарли жиҳати шундаки, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 75 фоизи экспорт қилинди. Жорий йилда ҳам маҳсулот ҳажми ва сифатини янада ошириб, унинг 75–80 фоизини хорижга сотиш режалаштирилляпти. Бунинг учун куч ҳам, имконият ҳам етарли.

— Иш унуми юқори, маҳсулот сифатли бўлиши аввалambor ишчи кайфиятига боғлиқ,— дейди корхона моддий рағбатлантириш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Бу ерда меҳнат қилаётган 2000 нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг 75 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларни жамоа шартномаси асосида ижтимоий ҳимоялаш, кўнгилли дам олишлари учун етарлича шароитлар яратиш мақсадида корхона касаба уюшма қўмитаси қатор ишларни амалга ошираётир. Жумладан, 2004

ҚИШЛИ-ҚИРОВЛИ КУНДАРДА

Оҳангарон туманига қарашли ҳудудларнинг асосий қисми тоғлик ва тоғолди жойлардан иборат. Лалмикор ерлар, ўрмону дарахтзорлар макони бўлган бу масканларда одамлар азалдан деҳқончилик, чорвачилик учун қулай бўлган, оқар сувларга яқин жойларни танлаб иморатлар курган, қишлоқлар бунёд этишган. Лекин табиатнинг ўз қонун-қоидалари бор. Туманнинг тоғли ҳудудларига тез-тез сел ва кўчки хавф солиб туради.

Асосан баҳор ва ёзнинг бошланишида кутиладиган, кузатиладиган бундай ҳодисалар ҳар доим хавфли геологик жараёнларни кузатиш станцияси Ангрен шаҳар бўлими томонидан чуқур ўрганиб чиқилади. Сел келиши, кўчки юз бериши хавфи бўлган жойларнинг харитаси тузилиб, Оҳангарон туман фавқулодда вазиятлар бўлимига тақдим этилади. Бўлим ходимлари томонидан кўчки хавфи бор бўлган қишлоқлар аҳолиси вақтида огоҳлантирилади. Кўчки оқибатлари ҳақида етарлича тушунтириш ишлари олиб борилади. Шундай бўлишига қарамай, ўтган йили Қорақишлоқда яшовчи Тошкентбоевлар оиласи хавфсиз ҳудудларга кўчишни пайсалга солганлиги оқибатида кўчки юз бериб, уч киши тупроқли кўчки остида қолиб кетди.

Ҳукуматимиз томонидан бундай табиий офатлар юз беришининг олдини олиш мақсадида зарур маблағлар ажратиляпти. Хавфсизликни таъминлаш борасида кўриладиган тезкор ҳаракатларга қурилиш ташкилотлари жалб этиляпти. Бу каби чора-тадбирлар инсонлар ҳаёти, уларнинг мол-мулкини сақлаб қолиш, табиатга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадларида кўрилади. Масалан, 2003 йил май ойида Ёпариқ қишлоғида 15 та хонадон устига сел келиши хавфи бор эди. Тезкор чоралар натижасида фалокатнинг олди олинди. Унгут қишлоғидаги 11 та хонадон томорқа ерларини сел олиб кетгани, бу зарарни қоплаш ҳамда дарё қирғоғини мустаҳкамлаш, келгусида юз бериши мумкин бўлган бундай хатарга йўл қўймаслик мақсадида бир ярим миллион сўм ажратилди. Хавфли ҳудудларда яшовчи Пардавой Ёқубов, Эшмат Қўлдошев, Камол Жўраев хонадонлари ажратиб берилган хавфсиз жойларга кўчиртирилди.

Туман фавқулодда вазиятлар бўлимида жорий йил хавфсизлик чоралари белгиланган аниқ амалий тадбирларга йўналтирилган режадастур тузилган. Айни пайтда тегишли ташкилотлар ёрдамида амалий ишларни бажаришга киришилган.

Т.ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Қорақалпоғистоннинг энг чекка тумани - Мўйноқда болалар спортини ривожлантириш, янги спорт мажмуалари қуриш ва уларни замонавий анжомлар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тумандаги спорт мажмуаларига 2 миллион 228 минг сўмлик спорт анжомлари тақдим этди.

МЎЙНОҚЛИК БОЛАЛАР ЧЕМПИОН БЎЛАДИ

- Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрлик туфайли соғлом авлодни камол топтириш, уларнинг руҳан ва жисмонан бақувват бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда, - дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон филиали директори Еркин Қутибоев. - Шундай имкониятлардан самарали фойдаланаётган мўйноқлик ўсмирлар орасидан ҳам келгусида кўплаб чемпионлар чиқишига ишонамиз.

БАНКРОТ

бу иқтисодий бўҳрон комидан қутилиш имкони бор

«Банкротлик тўғрисида»ги қонун корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва иқтисодий баркарорлашувига кафолат беради. Айниқса, мамлакатимизда жорий этилган санация ва ташқи бошқарув ўз самарадорлигини исбот этаяпти. Давлат берган имконият Сирдарёдаги молиявий таназзулга йўл тутган қатор меҳнат жамоаларига кўл келди. Ўтган бир йилда банкротлик аломатлари мавжуд бўлган 42 ташкилот қайдини тиклади.

Ўтиш даврида синовлар, чиғириқлар бўлиши табиий. Бу ўта зукколикни, синчковликни, қолаверса, тадбиркорликни талаб этади. Айниқса ҳамкорларни, ишончли шерикларни танлашда адашмаслик, талаб ва таклифни бош мезонга кўтариш зарур. Бироқ айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари давр руҳини илғай олишмади. Аксарият холларда фурсатни топшириқ кутиб, ўринсиз важ карсонларга суяниб бой беришди. Сирдарё киновидео бирлашмаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Бирлашма бир пайтлари аҳолига кенг тармоқли хизмат кўрсатиб, обру қозонган эди. Аммо, давр ўзгарди. Одамлар руҳияти, онги, қарашларида юксалиш рўй берди. Киновидео бирлашмаси раҳбарлари буни ҳисобга олиши, фаолиятини ана шу йўсинда ташкил этиши даркор эди. Бунинг учун изланиш, талаб ва таклифни чуқур таҳлил этиши фойдадан ҳоли бўлмасди. Аммо боқибеғамлик панд берди. Оқибатда тизим корхоналари («Ватан» ҳиссадорлик жамияти ва Гулистон шаҳар киновидео корхоналаридан ташқари) бирин-кетин иқтисодий пораканделикка учради. Бу ерда ишлаётган юзлаб ходимлар ишсиз, маошсиз қолгач, ўз жамоаларидан юз ўгириб кетишди. Бугун вилоят бўйича киновидео хизмати йўқ ҳисоби. Ахир сирдарёликлар ҳам мириқиб дам олишни, кўнгил очишни истамайди дейсизми? Масаланинг ана шу жиҳатларини бирлашма раҳбарлари назардан қочирди. Йилларга чўзилган фаолиятсизлик, тизим мутасаддиларининг масъулиятсизлиги, ҳисоб-китоб ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида бирлашма банкротликка учради.

Ўтган йил давомида 124 корхона ана шундай жар ёқасига келиб қолди. Вилоят иқтисодий ночор корхоналари ишлари ҳудудий бошқармаси қонун даражасида молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини кўрди. Натижада 33 фоиз корхоналар ночорликдан қутулиб, иқтисодий юксалиш сари юз берди. Мана бир мисол. «Автойўл» бирлашмаси тизимидаги корхоналардан 13 тасида кредиторлик ва дебиторлик қарзлари болалаб кетди. Бу ҳолат бирлашма мутасаддиларини бефарқ қолдирмади. Оқсашларга барҳам бериш, иқтисодни изга солишга қатъий бел боғлади. Тизим раҳбарлари олдига лўнда, аниқ вазифа юкланди. Ўн ойлик уриниш натижаси ўлароқ 10 та ташкилот иқтисоди тикланди.

— Қарздорлик кўпайиб, ходимларга ойлик маош бериш ва бошқа тўловларда муаммолар пайдо бўлди, - дейди Мирзаобод туман автойўл бошқармаси бошлиғи Мусо Исмоилов. – Олма пиш, оғзимга туш дейиш билан иш битмайди. Шу боис бутун жамоа қарздорликни қисқартиришга, унмаган маблағларни ҳисобга тушириш ҳаракатига тушдик. Кўзланган мақсадга эришиб, бино ҳувуллаб, чеварлар сарсон бўлди. Маъмуриятдаги бўшашув, ишончли ҳамкорларни топа билмаслик ана шу ҳолатга олиб келди. Корхонага санация имконияти берилиб, ташқи бошқарув жорий этилди. Икки йиллик уриниш бежиз кетмади. Хориждан ҳамкорлар топилди. Замон талабига мос янги асбоб-ускуналар олиб келиниб, харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилди. Корхонани тарк этган қарийб 700 га яқин тикувчилар ишга жалб этилди. Уларга ойлик маош, мукофот ва дебиторлик қарзлари болалаб кетди. Бу ҳолат бирлашма мутасаддиларини бефарқ қолдирмади. Оқсашларга барҳам бериш, иқтисодни изга солишга қатъий бел боғлади. Тизим раҳбарларининг масъулиятсизлиги, ҳисоб-китоб ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида бирлашма банкротликка учради.

Ўтган йил давомида 124 корхона ана шундай жар ёқасига келиб қолди. Вилоят иқтисодий ночор корхоналари ишлари ҳудудий бошқармаси қонун даражасида молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини кўрди. Натижада 33 фоиз корхоналар ночорликдан қутулиб, иқтисодий юксалиш сари юз берди. Мана бир мисол. «Автойўл» бирлашмаси тизимидаги корхоналардан 13 тасида кред

Қурултойдан-қурултойгача

ЧАВАНДОЗЛАР БОРДИР БУ ЭЛДА

Қизилтепада ҳеч бўлганмисиз? Унинг одамохун, очиқ кўнгил ва меҳнаткаш одамлари билан ҳеч дилдан суҳбат қурганмисиз? Зарметаннинг косани тўнкарганда ҳам тўкилмайдиган қатиғидан тотиб кўрганмисиз? Ванғозининг муҳташам ва муборак қадамжолари бўйлаб сайру саёҳат қилганмисиз? Бу ерда ҳар бир киши сизга Қизилтепани боғу бўстонга айлантираётган марду майдон одамлар — «Бухоро» хўжалиги раиси Владимир Шашурин, таълим жонкуяри Турсунпўлат Фатуллаев, қасаба уюшма фидойиси Даврон Воҳидов ва бошқа ўнлаб одамларнинг эл-юрт равнақи йўлида қилаётган ҳалол ва беминнат хизмати ҳақида бажонидил сўзлаб беради.

Қизилтепа Мустақиллик йилларига келиб Навоий вилоятининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳада ўзгаришлар кўзга ташланаётган туманларидан бирига айланди. «Зарметан - Биртек» Ўзбекистон - Туркия, «Аква - Тўдакўл» Ўзбекистон - АҚШ, «Моста - Текс» Ўзбекистон - Россия қўшма корхоналари ишга туширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида режадаги 276 та тадбиркорлик субъектлари иш бошлади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари 1533, микрофирмалар 1476, кичик корхоналар сони эса 57 тага етказилди.

Туманда асосий тармоқ-қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналари имкониятларидан кенг фойдаланиш билан бирга фермерлик ҳаракатига ҳам катта йўл очиб берилди. Хусусан, Ўртачўл массивида бу тадбир оқилона ташкил этилди. Кези келганда, давлатга пахта, ғалла, пилла топшириш режалари ҳар йили ошиғи билан уддаланаётганини алоҳида такидлаш жоиз. Шунингдек, маданий-маиший соҳага катта эътибор қаратилгани сабабли туманда 3742 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Қизилтепада инфратузилмани шакллантириш ҳам долзарб вазифалардан қилиб қўйилган. Аҳолининг 99,4 фоизи табиий газ, 76,3 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Биргина ўтган йилнинг ўзида 17 километр табиий газ, 25,6 километр ичимлик суви қувурлари тортилди. 41,6 квадрат километрлик уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 200 ўринли поликлиника муассасалари, 720 ўринли касб-ҳунар коллежлари бинолари қурилди. Туманнинг маданий қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бўстон, Тошработ, Зарметан қўрғонларида бир-биридан кўркам ва хушбичим савдо расталари, маданий-маиший объектлар, хиёбонлар, хотира майдонлари қад ростлади.

Яқинда туманда бўлиб ўтган ҳосил байрами одамлар учун чинакам шодиёнага, халқ сайлига айланиб кетди. Туман ҳокимлиги ҳам ҳимматни баланд қилди. Ваъдага мувофиқ пахта, ғалла етиштиришда беллашганларнинг белини қисирлатган зарметанлик миришкор деҳқон Икром Муҳаммедовга «Матиз» русумли яп-янги машинанинг калити топширилди. Деҳқончилик ва чорвачилик усталаридан яна бир гуруҳига рангли телевизор ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди.

ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

Қизилтепа таълим муассасаларида «Мактабдан ташқари таълим концепцияси» талабларини амалга ошириш, ўқувчи ёшларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш, ёш авлодга қўшимча таълим беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада айниқса, ўқувчилар ижодиёт марказида кўпгина ишлар амалга оширилди. Марказда бадиий, нафосат, экология ва ўлкашунослик йўналишлари бўйича 70 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда.



Ўтган йили бу ерда болалар майдончаси, жонли бурчак ташкил этилди. Унда турли хилдаги жониворлар ўқувчилар томонидан парваришланмоқда.

Ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган «Табиат - кеча, бугун, эртага» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда тўгарак аъзоси Муҳиддин Ҳамроев III-ўринни эгаллади. Вилоятда ўтказилган «Энг яхши тўгарак раҳбари» кўрик-танловида Шаҳноза Ҳожиева 1-ўринни банд этди. Теннис ва шоҳмот тўгараги аъзолари ҳам вилоят босқичи мусобақаларида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Жумладан, ўтган йили Навоий шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган шоҳмот мусобақасида марказ қатнашчилари Озода Йўлдошева ва Тўлқин Файзиевлар II ўринни эгалладилар.

Ўқувчилар ижодиёт марказида маҳаллалар билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилмоқда. «Ўзбекистон Ватаним маним» мавзусидаги мусиқали кеча, «Агар сен ҳушёр бўлсанг» мавзусидаги огоҳликка даъват қилувчи давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида ҳукумат қарорлари асосида спорт тадбирларига ҳам катта эътибор қаратилди. Тумандаги 38 та умумтаълим мактабларида 29 та спорт зали, 37 та майдонча, 43 та футбол, 24 та қўл тўпи майдонидан тўлиқ фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, «Зарметан» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-мактабга қарашли «Дўстлик» ўйингоҳи, истироҳат боғидаги 2 та волейбол, 1 та кичик футбол майдончаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони қарийб 28 мингга етди. Тумандаги С. Бўстоний, С. Айний, Ш. Ражабов номли мактабларда қизлар учун бадиий гимнастика тўгараклари ташкил этилган. Т. Ҳамидов, Охунбобоев, Беруний, F. Ғулом, А. Навоий, Фитрат, Бўстоний, «Бухоро», «Ўзбекистон» номли мактабларда ташкил этилган каратэ, миллий кураш тўгараклари билан 3130 нафар ўқувчилар шуғулланмоқда. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг вилоятда босқичида Бўстоний номли мактаб ўқувчилар жамоаси волейбол бўйича беллашувларда биринчи ўринни эгаллаганини спортга эътибор самараси дейиш мумкин.

Бундай тадбирларни ўтказишда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, болалар куни муносабати билан ўтказилган спорт мусобақаларига касаба уюшма маблағи ҳисобидан 120 та юмшоқ коптоклар олиб берилди, ғолиб жамоалар рағбатлантирилди. Катталар ўртасида ўтган йили спортнинг 5 тури бўйича ҳудудлараро спартакиада ташкил этилди. Спартакиада ғолиблари вилоят босқичи мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашдилар. 36-махсус интернатда тарбияланувчилар ўртасида «Санъат ғунчалари», соҳа ходимлари ўртасида «Балли, қизлар», «Қувноқлар ва зукколар» танловлари ўтказилиб, ғолиблар касаба уюшмаси мукофотлари билан рағбатлантирилди.

У.НОРБОЕВ

ХОТИРА ТУРНИРИ

Ҳалол меҳнати билан эл назарига тушган ванғозилик Худоёр Сулаймоновнинг ибратли ишларини бугунги кунда ўғил-қизлари, қариндош-уруғлари давом эттиришаяпти. Худоёр ака гарчи ҳаёт бўлмасаларда, ҳар йили у кишининг хотирасига турли спорт мусобақалари уюштирилади. Шу йил 6-7 январ кунлари шоҳмот бўйича Абу Али ибн Сино номли мактабда бўлиб ўтган турнирнинг ғолиблари аниқланди. 72 ёшли Саъдулла Нарзуллаев, 6 ёшли Лазизбек Шоназаров, 10 ёшли Раъно Файзибоевалар ҳам турнирнинг фаол қатнашчилари бўлишди. Ўсмирлар ўртасида Тўлқин Файзиев, Илёс Умуров, Салоҳиддин Худойқулов, хотин-қизлар ўртасида Озода Йўлдошева, Саодат Файзиева, Наргиза Очиловаларнинг натижалари қувончли бўлди. Мусобақа ғолиблари Қосим Қобилов номли хўжалик бошқаруви, касаба уюшма қўмитаси, шунингдек, Х. Сулаймонов оиласи томонидан ажратилган совғалар билан тақдирланишди.

Ҳ. САИДОВ,
Қосим Қобилов номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси

МЕҲНАТДАН КЕЛДИ БОЙЛИК

Ўтган йили Арнасой сув омбори ва Навоий аэропорти қурилишларида 2 миллиард 855 миллион сўмлик иш бажарилди. Бу ўз навбатида ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошишига олиб келди. Ҳар бир ходимнинг ўртача иш ҳақи 65 минг сўмга етди. Ҳайдовчи Карим Салимов, Олим Ҳошимов, пайвандловчи Насрулло Турдиев, Ҳамро Эшонқуловлар корхонамиз фахри ҳисобланишади. Улар ўтказилаётган ҳар бир хайрли тадбирга бош-қош бўлишади.

Касаба уюшмаси билан тузилган жамоа шартномасига асосан ўтган йили ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояси эътибор марказида бўлди. Овқат пули учун 36 миллион 50 минг сўм, махсус кийим-бош учун 8 миллион 946 минг сўм ажратилди. Мукофот пули 11 миллион 500 минг сўмни ташкил этди. Ғамхўрликдан маҳалла ва қишлоқларда яшовчи кам даромадлилар, якка-ёлғизлар, футбол жамғармаси, ногиронлар жамияти ҳам четда қолмади. Иноят Хўжаев номли 38-мактабга компьютер совға қилинди, таъмирлаш ишларида ёрдам кўрсатилди. Туман марказий шифохонасини таъмирлашга 1,5 миллион сўм сарфланди.

Бахтиёр ЖУМАЕВ,
тумандаги 5-механизациялашган шўъба корхонаси бошлиғи

ИШЛОВЧИ МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

1999 йилда ташкил этилган фермер хўжалигимизда 10 нафардан ошиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Туманимизда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Асосан тахтачиликка ихтисослашган хўжалигимизда 20 миллион сўм даромад олиниши кутилмоқда.

Даромага яраша буромад, деганларидек, бу ўз навбатида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга катта имконият яратмоқда. Ўтган хўжалик йилида ҳар бир ишловчига 2 тоннадан ғалла, тўймаърака қилганларга 100 минг сўмдан, оила қураётган ёш йигитларга 50 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатдик. Ҳар бир ишловчи йил давомида бўнак пули олиб турди. Йил якуни билан улар яна тақдирланади. Албатта, булар ҳали етарли эмас. Ишловчиларни иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга ҳали кўп куч-ғайрат сарфлашимиз керак. Айниқса, фермер хўжаликларида ишловчи ходим ва бошқарув ўртасида меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш керак. Меҳнат дафтарчаларини юритишда эътиборсизликлар мавжуд, меҳнат шартномалари талаб даражасида эмас. Келгусида касаба уюшма ташкилотлари бу масалага эътиборини оширишлари лозим, деб ҳисоблайман.

Фермер хўжалигимизнинг қўлга киритган ютуқлари, туманнинг ғалла режасини бажаришда қўшган муносиб ҳиссаси учун ҳокимлик ва касаба уюшма қўмитаси томонидан бепул рангли телевизор билан тақдирландик.

Р. ВАЛИЕВА,
«Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари

«ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР»

Ҳозирги кунда туманимизда 135 нафар уруш қатнашчилари бор. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий ёрдам бериш, ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб туришда касаба уюшмалари томонидан бир қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Жамоа шартномаларига нуроний отахонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, қаровчиси йўқ, якка-ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туриш, кўмак бериш каби бандлар киритилган. Ўтган қисқа даврда туман касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан 60 нафар қариялар Самарқанд шаҳри ва Ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлиб қайтдилар. Бундай хайрли тадбирлар барча ширкат хўжаликлари касаба уюшма қўмиталари томонидан уюштириб келинмоқда. Наврўз, Мустақиллик байрамларида қарияларни байрам билан табриклаб, уларга совға-саломлар топшириш анъана тусига кирди.

М. МАРДОНОВ,
«Нуроний» жамғармаси Қизилтепа туман бўлими раиси ўринбосари

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик ва уни ҳимоя қила олайлик

«НОГИРОНЛИК НАФАҚАМНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?»

Мен тумандаги болалар ижодиёт марказида ишлаб ногиронлик нафақасига чиққан бу одамнинг сарсон-саргардон этилаётгани ҳақида таълим ва фан ходимлари Қизилтепа туман кўмитаси раиси Қаҳрамон Мақсудовдан эшитдим. Унинг айтишича, туман молия бўлимидагилар муаммони ҳал қилишга ёрдам сўраб ёзилган аризаларни ҳатто, қабул ҳам қилишмаётган экан. «Илож қанча, судга мурожаат қилишга тўғри келадиёв» дейди у ўйчан. Хўш, бу меҳнат ногирони ким ва уни қандай муаммолар қийнамоқда. Яхшиси, бу ҳақда қаҳрамонимиз Ҳомид Азимовнинг 2000 йил 5 майда болалар ижодиёти маркази раҳбари Ш. Ҳабибовга ёзган аризасидан била қолайлик.

«Қатор йиллар давомида марказда фототўгарак раҳбари бўлиб ишлаб, химикатлар билан машғул бўлганим сабабли касалликка чалиндим. Туман ва вилоят касалхоналарида даволандим. Уларнинг йўлланмаси билан республика санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш олийгоҳида даволандим. 1999 йил 13 июл куни ТМЭК қарори билан III гуруҳ ногиронлигига чиқарилдим ва 55 фоиз қўшимча тўлов жорий этилди. Айрим тушунмовчиликлар сабабли бир йўла тўланадиган йиллик тўловни, ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўловни ва олийгоҳга бориб келиш ва овқатланиш учун сарф бўлган пулларни ҳам ололганим йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги қарорини асос қилиб аризамни қаноатлантиришингизни сўрайман».

Ариза қандай қаноатлантирилганини Маънавият ва қўшимча таълим маркази (ҳозирги болалар ижодиёти маркази) раҳбари Ш. Ҳабибовнинг туман молия бўлимига ёзган талабномасидан билиш мумкин. «Шу марказнинг фототўгарагида фаолият кўрсатиб, касб касаллиги билан нафақага чиққан Ҳомид Азимовга ҳозирги кунда нафақани вақтида топиб тўлаш ташкилотга бир қатор муаммолар туғдиряпти, - дейилади 2004 йил 16 январда ёзилган хатда. - Чунки, ташкилот бюджет системасида иш олиб боради. Унда ўтган йиллар мазкур шахснинг харажати учун маблағ ажратилмаган. Шуни инобатга олиб, 2004 йил смета харажатлари учун ажратиладиган маблағдан Ҳомид Азимов учун 12 ойга етадиган маблағ ажратиб беришингизни сўрайман».

Табиийки, маблағ ажратиш у ёқда турсин, хат рўйхатдан ҳам ўтказилмган. 2005 йил 18 январда такрор ёзилган мактуб тақдири ҳам шундай тугаган. Ш. Ҳабибовнинг айтишича, марказ унинг ойлик нафақа тўловларини ўз қўлларидан ишлаб топилган маблағ ҳисобидан қоплаб келган.

Ҳамкасбларига юк бўлиш Ҳомид Азимов учун албатта, оғир. Лекин нима қилсин, қаерга бош урсин? Гарчи, Ўзбекистон Республикаси ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддасида «тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг ногиронга тавсия этган якка тартибдаги дастури тегишли давлат идоралари, шунингдек, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ижро этиши мажбурий бўлган ҳужжатдир» дейилган бўлса-да, йиллар давомида уни тинглайдиган идора топилмаса. Бу орада унинг дарди оғирлашиб иккинчи гуруҳ ногирони деб топилди.

Хуллас, ижтимоий таъминот бўлимидагилар касб касаллиги билан чиққанларга корхона, ташкилот тўлаши лозимлигини айтишса, Молия бўлимидагилар кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олишни маъқул кўришаяпти.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ДОВОН ҚОР КЎЧКИСИДАН ТОЗАЛАНМОҚДА

Фарғона водийси вилоятларини пойтахтимиз билан боғловчи Қамчиқ довонида қор кўчкилари хавфи туфайли ҳаракат тўхтатиб қўйилганига бир ҳафтадан ошди.

Довонда ҳозир вазият қандай?

ЎзА мухбири Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Баҳромжон РАҲМОНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

- Барчамиз оммавий ахборот воситалари дунёнинг турли жойларида юз бераётган табиий офатлар ҳақида тарқатаётган хабарларни ўқиб, эшитиб турибмиз. Айтайлик, Индонезия, Шри-Ланка, Таиланд каби 12 мамлакатга офат келтирган довул, Камчаткадаги қор бўронлари, ҳатто Шимолий Африка мамлакатларида қор ёққани ҳақидаги хабарларни ўқияпмиз, тинглаяпмиз ва телевизорда муттасил кўриб боряпмиз.

Юртимиз кескин континентал иқлим зонасида жойлашгани туфайли ўзгарувчан, беқарор об-ҳаво биз учун ҳам янгилик эмас. Феврал ойи бошидан буён мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларига қор ёғиши кучайди. Қамчиқ довонининг айрим жойларига ёққан қорнинг қалинлиги 60 сантиметрдан икки метргача етди. 1 феврал куни эрталаб соат 11:00 да қор кўчиши хавфи мавжудлиги боис довонда транспорт ҳаракати тўхтатиб қўйилганидан хабарингиз бор.



Ўтган вақт ичида тоғли ҳудудларда ўттиздан ортиқ қор кўчкиси содир бўлди. Тошкент-Ўш йўлининг ўзида йигирмадан ортиқ жойда турли ҳажмда қор кўчган ва сурилган. Ҳозир шу кўчкиларни тозалаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2 феврал куни 159-километрда жойлашган қурувчилар вагончасига қор кўчкиси тушиши оқибатида тўрт киши, шунингдек, кўчки хавфини тадқиқ этаётган метеостанция ходими ҳалок бўлган. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари хабарларида батафсил айтилди. Ёрдамга муҳтожлар учун Наманган вилоятидаги Поп марказий шифохонасида 100 ўринга мўлжалланган ёрдам пункти ташкил этилди. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан бир неча ўнлаб кишилар хавфсиз жойларга кўчирилди. Уларга тез тиббий ёрдам кўрсатилди.

- Ҳозир довонда қандай ишлар олиб бориляпти?

- Довонда ишлаётганларнинг барчаси - қурувчими, алоқачими, ҳарбийми ёки тиббиёт ходимими - қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ўз ишини сидқидилдан адо этмоқда. Бугунги кунда Наманган вилояти тарафидан довон йўлининг 191-километридан 164-километригача бўлган масофадаги қор кўчкилари бартараф этилди. Йўл қордан тозаланди, техника ишлаши учун шароит яратилди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари довоннинг Тошкент йўналишини кўчкидан тозаламоқдалар. Мақсад - йўлни икки томондан тозалаб бориш ва ҳаракат учун очишдир. Йўлни қордан тозалаш билан кифояланиб қолмаяпмиз. Барча коммуникация ва алоқа тизимлари, электр тармоқлари қайта тикланди. Бунинг учун махсус тайёргарликдан ўтган мутахассислар жалб этилган.

- Аҳоли довон очилишини сабрсизлик билан кутмоқда...

- Довондаги икки туннел орасидаги масофада бир неча қор кўчкилари мавжуд. Улар турли ҳажмда.

Шу маънода йўлни қордан тозалаш ишларини ишчиларимиз ва техниканинг тўла хавфсизлигини таъминлаган ҳолда олиб боришимиз зарур. Дастлабки мўлжалларга кўра, довон яқин кунларда очилиши режалаштирилмоқда... Ўйлаймизки, тез кунларда довон узра ҳаракат йўлга қўйилади.

ЎзА мухбири
И.РАЗЗОҚОВ суҳбатлашди

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-биригизгаки, эрур ёрлиғ иш

СЎЗ ҚУДРАТИ

(Боши 1-бетда)

Халқ билан ҳамнафаслиги, ҳамиша элу юрт хизматига камарбасталиги, ўз илму ҳунарини одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровонлиги, бахт-саодатини таъмин этишга сарфлаши унинг Навоий орзусидаги комил инсон эканлигини кўрсатади.

Навоий барчадан талаб қилган ва ҳаммада бўлишини орзу қилган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси бағоят кенг. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ ўгит-насиҳатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос назмий дастур, қўлланма вужудга келади.

Комил инсонлар бирор-бир замонда дунё тақдирига бефарқ бўлмаганлар.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам илму ахлоқда, мурувват ва саховатда, инсонпарварлик ва олижаноблликда буюк салафлари ишини давом эттириб, улардан-да юксак пояга кўтарилди. Унинг барча эзгу фазилатлари ва хайрли ишларини, одамларга қилган яхшиликларини бирма-бир қайд этса, жилд-жилд китоб бўлади. Ҳирот ва унинг атрофидаги вилоятларда Навоийдан у ёки бу даражада ёрдам олмаган, ундан бирор яхшилик кўрмаган одамни учратиш қийин эди. Навоий, хусусан, маърифат ва маданиятнинг буюк ҳомийси бўлган. Унинг моддий ва маънавий мададидан баҳраманд бўлган илму фан, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди. «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай», - деб ёзади бу ҳақда Бобур.

Навоий сўзнинг қудратини, бадиият дурдоналарининг вақт шамолига бардош беришини теран англаган. Ўзбек адабиётидаги ўрнини, келажак авлод унинг ҳар бир сўзини кўзига тўтиё қилишини яхши билган. Шунинг учун ҳам адабий, илмий асарларини тартибга солиш билан кифояланмай, ўзи ёзган ва ўзига йўлланган мактубларни жамлаб, «Муншаот» деган тўплам тузган, ободончилик ишлари, даромад ва сарф-харажатлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Вақфия» асарини ёзган. Истеъдодини эътироф этган шоирлар ҳақида маълумот берувчи «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини яратган ва ҳоказо. Мазкур асарлар орқали эса авлодлар унинг нафақат ижоди, балки олижаноб инсон ва фуқаропарвар .давлат арбоби сифатидаги фаолияти, хайрли ишларидан ҳам хабардор бўлмоқдалар. Бу Навоий сиймосини тўлақонли тасаввур этишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Алишер Навоий - маънавиятимиз осмонининг қуёши. Унинг зарраларидан баҳраманд бўлмай туриб, маънавий юксалиш тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Бинобарин, Навоийни ўқиш ва уқиш маънавий юксалишнинг шарти ва воситаларидан бири бўлиши, ҳар бир ўзбекнинг маънавий даражаси маълум маънода унинг Алишер Навоийни нечоғлик билишига қараб белгиланиши керак.

Зеро, Алишер Навоий ҳаётимизга қанчалик кенг кириб келса, шоир меросини замонга қанчалик кўп хизмат қилдирсак, жамиятимизнинг маънавий асослари шунчалик мустаҳкам, унинг аъзолари маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлади.

«ҚУЁШ АКСИ ТУШУБ ДАРЁ ИЧИНДА...»

Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.
Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг сувин тошурмоқ.

Ривоят қилишларича, икки дўст кетаётиб, йўл бўйида танҳо ўтирган кўрни кўриб қолишибди. «Бизнинг юртимиздаги энг донишманд зот мана шу киши», дебди бири иккинчисига. Кўрнинг ёнига боришиб, у билан бир муддат гаплашишибди. Сўз орасида кўрни таърифлаган киши ундан сўрабди: «Саволим учун узр. Сиз қачондан буён кўрмайдиган бўлгансиз?» «Мен ботил туғилганман», - ўз-ўзига сўзлагандай шивирлабди кўр. «Сиз донишмандликнинг қанақа йўлини танлагансиз?» - сўрабди ҳалиги одам яна. «Мен мунажжимман, - дебди кўр, - қуёш, ой ва юлдузларни кузатаман, шунга қараб фикр юритаман».

Ҳақиқий ориф одам мана шу мунажжимга маслакдош кишидир. У ҳам дунёга юрак кўзи билан қарайди. У ҳам инсон руҳи ва дили фавқулодда ёруғ, яъни қуёшли бўлмоғини истайди. Шунинг учун ориф олий ҳақиқатни танувчидир.

Мир Алишер Навоий таъкидлашларича, ориф ҳақиқат хазинасидан қанча кўп файз топса, кўнгли нечоғлик маънавий ганжлар билан бойиса ҳам унинг вазифаси буни ошкор қилмасдан пинҳон тутмоқдир. Ҳақдан етишган файз ва маърифат бойлигини атайин яширмоқ орифликми? Йўқ. Бунда ҳеч қанақа атайинлик бўлмаслиги керак. Чунки ориф деган бамисоли дарё. Ҳар куни дарё юзига қуёшнинг олов нурлари тўкилади. Аммо нурли ҳароратдан дарё кўпириб, сувини тошириши мумкинми? Ҳазрат Навоий қитъанинг охирги байтида:

Қуёш акси тушиб дарё ичинда
Не мумкиндур анинг сувин тошурмоқ, -

дер эканлар, орифни ана шундай кўпирмас дарёга қиёслайдилар.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Агар эл қилмади ҳимоят санга,
Ўзингдан керакдур шикоят санга.

* * *

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпрақдурур.

* * *

Кимки фалак сори отар тошини
Тош ила озурда қилур бошини.

* * *

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ, андоққи кўнгул Каъбаси.

* * *

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

* * *

Шогирд агар шайх улислом, агар қозидур,
Агар устод андин розидур - тенгри розидур.

«ҚАРИЛАР ХОТИРИ НОЗИКДУР...»

Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ,
Ичуттунгмуки, афтол ўйноғонда,
Синар оз майл кўргондин қуруқ шох.

Мутахассислар ўтказган тажрибалардан аён бўлишича, одам қариганда, кексайиб яшашга кўниккан сайин ўлимни бўйинга олиши қийинлашар экан. Ўлим ғоясини ёшлар кексаларга қараганда осонроқ қабул қилиб, уни қаршилашда қариларга нисбатан матонатлироқ бўлишармиш. Бу маълумот балки тўла тўғримасдир. Балки кимдир ундан: «Инсон умрининг узайиши охир-оқибатда ундаги худбинликнинг улғайиши», деган хулоса чиқарар. Лекин аслида бу туйғу ҳам ҳазрат Навоий таъкидлаган, қарилик хотирасининг нозиклашувидир. Бобомиз қарилар хотирининг нозиклиги тўғрисида шунчаки хабар бермаганлар. Шу гапга таяниб болаларни андиша ва ҳушёрликка чақирганлар. Лекин дастлабки икки сатрдаги фикр қуруқ насиҳат тарзида қолиб кетмасдан, у тамсил санъати орқали исботланган.

Болаларнинг шох ўйинлари билан машғул бўлишлари ҳаётдаги мавжуд ҳодиса. Ҳазрат Навоий буни ўз ғоявий мақсадига мувофиқлаштириб, «қуруқ шох» билан қарилар хотири ўртасида ўхшашлик топадилар. Яъни, қуруқ шох бола қўлида салга синганидек, қари кишиларнинг қалби ҳам болалар томонидан содир этилган озгина андишасизлик ва одобсизликдан шикаст кўради.

Мир Алишер Навоий «Маҳбуб ул қулуб»да ёзганлар: «Қарилик ёшлик майига хумориқдир, йигитликдаги соғломликни ҳасрат-ла қўмсашликдир. Қарилик кунлари шод юрган одамларни ношод этади: киши қаддини букчайтириб... ҳасрат ва надомат ёшининг сели бадан қасри деворини йиқади... Қариларнинг паришонлигига, уларнинг ҳилвираб боришини болалар масхаралайди». Қитъа ана шундай масхаралашга қарши қаратилган.

Хўбким, йўқтур шамойил бирла ширин сўз анга,
Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо суврати.
Хилъатин зарбофт дебодин гар этсун бил яқин,
Ким намудор ичрадур зарбофт дебо суврати.

Аҳмад Дониш фарзандларига насиҳат қилиб: «Суратларингни эмас, сийратларингни тузатинглар...» деган экан. Инсонда ташқи гўзаллик ҳам бўлиши керак. Лекин одамдаги асосий гўзаллик - ички, маънавий-руҳий гўзаллик. Ахлоқи бузуқ, фаросатсиз кишининг шакл-шамойили ҳар қанча яхши ёки кўркам бўлмасин, у эл эътиборини ўзига торта олмайди. Мир Алишер Навоийнинг бу қитъаси шу ҳақда. Шеърда ўқувчига таништирилаётган кимса, кўринишидан чиройли ва ёқимли. Аммо шунга ярашиқлик «ширин сўз» йўқ унда. Шу боис одамлар кўнглига яқин эмас: «Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо суврати». Бобомиз бундай зеболикнинг моҳиятини жонсиз сувратга тенг қўядилар. Зотан, қуруқ жасадга нафис нақшли ипак матолардан кийим кийдирилгани билан, «зарбофт дебо суврати»дан бошқа ҳеч нима кўзга ташланмайди.

МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ГЎЗАЛЛИК

«КИШИКИ ИЛГИН УСТУН ТИЛАР...»

Кишикин илгин устун тилар, саҳо қилдук,
Қўлида заҳр ҳалоҳилу гар Хизр суйидур.
Ки бергучи агар ўлсун гадо олғучи шоҳ,
Берур илик юқориво олур илик қуйидур.

Мир Алишер Навоий таърифларига биноан «Саховат одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизи» ёки шу денгизнинг «бебаҳо гавҳаридир». Сахийлик - улуғ сифат. У покиза кишиларга хосдир. Сахийлик ҳиммат аҳлининг ихтисоси. Қитъадаги сўзлар шу фикрларнинг мантиқий давомидай ўқилади. Яъни: кимки қўли баланд бўлишини тиласа, сахийлик қилмоғи керак. Саховат - олмоқ эмас, бермоқ. Сахийнинг қўлида таъсири ўткир (ҳалоҳил) заҳар бўладими ёхуд оби ҳаёт-ми - бунинг аҳамияти йўқ. Негаки, бергувчи гадо бўлса ҳам унинг қўли устун, олғувчи ҳатто шоҳ бўлганида ҳам қўли қуйидир. Ҳа, гадони шоҳдан юксак кўтаргувчи, янада аниқроғи, шоҳни гадо, гадони шоҳ этувчи инсоний фазилатлар бор. Саховат мана шулардан бири. Саховат - хайрихоҳлик ва олижаноблик. Ўзни баланд тута олган одам - қўлни баланд этади. Қўли устунлик эса ғурур устунлигига хизмат қилади.

Басират сўзининг луғавий маъноси кўнгил кўзи, ичдан кўриш, фавқулодда сезгирлик салоҳияти демакдир. Агар фақат шундай шарҳ ва изоҳларга таяниб, айтайлик, Алишер Навоийнинг «Муншаот» асаридаги «...кўзларин басират шамъи ёритғонлар дунё сори кўз солмайдурлар ва кўнгулларин ҳидоят зиловли оритғонлар олам меҳрини зарраи кўнгилга олмайдурлар», - деган фикрлари талқин қилинадиган бўлса, тўрт-беш жумла умумий ва тахминий мулоҳазадан нарига ўтиб бўлмайди. Ваҳоланки, Навоий биргина басират калимаси билан комиллик матлаби учун шарт ва зарур саналган ҳам назарий, ҳам амалий ҳақиқатларни ифодалаган.

Шарқ шоирларидан бири:

Басират аҳли нишон истамаски, кавну макон,
Нишон ила тўлиғдир, бенишон ила тўлиғдир, -

«АЙЛА БАСИРАТ КЎЗИ БИРЛА НАЗАР...»

дейди. Бу байтдан басират аҳли борлиқ – оламда яшаб, бирор далил-нишон талаб қилмайди. Чунки улар кўринадиганни ҳам кўради, кўринмайдиганни ҳам кўради, - деган хулоса келиб чиқади. Ушбу хулоса, Навоий «кўзларни басират шамъи ёрутқонлар дунё сори кўз солмайдурлар» деганда тарки дунёчиликни эътиборда тутмаганлигини англашга яқиндан ёрдам беради.

Айрим мутасаввифлар, айниқса, Имом Ғаззолий инсоннинг зоҳирий – ташқи кўзига муқобил бир ботиний – ички кўзи ҳам бор бўлиб, унга «қалб кўзи», «маънавий кўз» дейилади, деган фикрни баён этган. Бошқа бир олим эса «Басират қалб кўзи, басор жасадни кўриши. Басират фақат ички маъно-моҳиятни, басор эса ёлғиз ҳис этилган нарсаларни кўра олади. Басират фақат латифни, басор кашф (қалин, тиғиз)ни, басират қадимни, басор кейин яралганни кўради».

Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор,
Ким, анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.
Яхшилик гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордир яхшилиғ.

Умуман олганда, Шарқ оламида басират ғафлатга тушмай, ҳис-туйғуга берилмай ҳақиқатни мукаммал идрок айлаш, келажакни олдиндан кўриш салоҳияти, қудсият нуридан ёришган кўнгил кудрати деб тан олинади. Тасаввуфдаги тамал тушунчалардан бири бўлган басират ўз-ўзидан кашф этилмаган, албатта. Мутасаввифлар бунда, энг аввало, Қуръони карим оятларидан илҳомланган.

Басират муаммоси билан махсус машғул бўлган олимларнинг эътирофи бўйича мистик-психологик сирларни ўзлаштиришда туйғу аъзоларига таянадиган қуввати – ташқи кўриш унча иш бермайди. Нафислик, гўзаллик ранглари билан бурканган ушбу сирларни билишда басират қудратидан фойдаланиш зарурки, бу «Зумар» сурасидаги қуйидаги оятларда очиқ-ойдин таъкидланган: «Оллоҳ мушоҳадаси учун Сизга Роббингиздан кўнгил кўзлари (басар) келмишдир. Ким шу кўзлар ила кўрса ўзига фойда, ким кўр бўлса, ўзига зиён».

Энг катта ва асосий фойда эса илоҳий нурдан ёришган кўнгил кўзи ила ашёнинг асли ва моҳиятига етишишдир. Басират масаласида нисбатан бошқача фикрлар ҳам билдирилган. Абдулкарим Қушайрий машҳур рисоласида «Аслида басират ва нур дейилмиш нарса маърифатдир. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Мўмин Оллоҳ нури ила назар айлар», ҳадиси ҳудди шу маънода англашилиши керак», дейди. Ибн Арабий бу нурни «нафси нотиқа билан руҳ орасида жой олган нуроний бир жавҳар», дея таърифлайди. Фикр ва талқинларда нечоғлик фарқ кўзга ташланмасин, Навоий басиратнинг мавжудлигига ҳам, куч-қуввати ва имкониятларига ҳам қатъиян инонган. Ва шундай ишонч туфайли:

Сирри ҳақиқатдин ўлиб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар, -

деб ёзган.

Сулаймон Улутоғнинг изоҳлашича, «Нафсга кўра нарсаларнинг шакллари ва сувратини кўрадиган кўз не бўлса, Қалбга кўра басират ҳам шудир». Шунинг учун мумтоз шоирлар фақат ҳақиқат ёки моҳиятни эмас, гўзалликни, хусусан ёрнинг ҳусну жамолини ҳам басар, яъни басират қуввати ила кўрмоғи керак, дейишган. Бу тўғрида Навоийнинг кўрсатмаси мана бундай:

Ёрингни танир ишига маҳорат айла,
Диққат ила ҳолига басорат айла.

Очиғини эътироф этадиган бўлсак, бугуннинг одами учун басират тушунчаси – шахсий тажрибадан узоқ ва тахминий бир тушунча. Тасаввуф аҳлининг маълумотларига таяниб айтилса, басиратнинг очилиши учун кўп ранж ва азиятларни бўйинга олиб кўнгилни поклаш, руҳни жилолантириш лозим. Басирати тўла-тўкис очилган киши – маънавий қайта туғилишга эришган киши бўлиб, уни «Шайхул ғайб» дерлар. Негаки, у ғайб сирларидан ҳам огоҳ яшайди. Унинг ботин оламида қаҳр, нафрат, ҳасад, худпарастлик каби иллатлардан ному нишон қолмайди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам Мавлоно Румий «Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил» дегандирлар. Басиратни тадқиқ этган ғарб олимлари эҳтимол бунга биздан кўра кўпроқ ишонишгандир.

«Янги олмон психологияси бизга айтурки, - дейди Муҳаммад Иқбол. – Ақлий фаолият диққат ила назардан ўтказилса, бунда қоф ва табиий ҳислар силсиласидан кўра «басират» кайфияти кўпроқ юзага келиши равшанлашур». Чунки замон, макон, инсон муносабатларини аниқ белгилашда, ҳақиқат ва моҳиятни хатосиз аниқлашда басират қуввати ва имкониятлари ғарб олимларида маълум ишонч ҳосил қилган. Натижада фаннинг ўзга соҳа вакиллари ҳам уни текширишган. Ана шунда айримлар томонидан фақат метафизикавий атама деб қаралган басират, чини билан қалбда мавжудлиги исботланган. Бу хусусда хорижда нашр этилган «Тасаввуф ва модерн илм» номли китобда икки анотомист олим қалбда мутасаввифлар тавсифини берган кичик бир нуқтани аниқлашгани ҳақида маълумотлар битилган. Тиббиёт илмида мазкур «нуқта» баъзан уни кашф айлаган ўша икки тадқиқотчининг номи билан, баъзида эса «Sinoatrial Node» деб тилга олинар экан. Кўз билан кўриб бўлмайдиган, ёлғиз микроскопда кўриш мумкин бўлган ва юракнинг юқори қисмидан жой олган мазкур нуқта қалбнинг ғайриоддий ҳаракатини таъминлаш билан бирга, узлуксиз равишда вужудга иссиқлик қуввати ва нур етказиб тураркан. Демак, Имом Ғаззолийнинг «Ақлдан нарида ўзга бир давра бордурки, унда бошқа бир кўз, яъни басрат очилур. Басират ила инсон ғайбни кўрур, келажакда воқе бўлажак ҳодисаларни, ақл англашга ожиз бўлган айрим нарсаларни англай олур», дейиши тахминий гап бўлмаган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ҳеч иштибоҳсиз басиратга инонган, борлиқ-оламнинг ички моҳияти, гўзаллик ва ҳақиқат сирларини тўғри, адашмасдан англамоқ истасанг, «Айла басират кўзи бирла назар», дея даъват этган.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун, кунингга айлагали нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Улуғ мутафаккир шоир қандай қилиб басират кўзи очилишига эришган, шундан сўнг завқ ва мушоҳадада қандай юксакликларга кўтарилган, руҳий ҳаётида қанақа гўзал эврилишлар ҳосил бўлган, шеъриятидаги қайси туйғу, қайси маъно ва ҳолатларни бевосита басиратга нисбат бериш зарур – булар энди бошқа мавзу, махсус тайёргарлик ила ўрганиладиган ҳам мураккаб, ҳам ғоятда қизиқарли масалалардир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори

ҒАЗАЛ

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки кун - кундин узай сендин кўнгил,
Ваҳки, кун - кундин батаррак мубтало бўлдум санго.

Мен қачон дедим, вафо қилғил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манго, бўлдум санго.

Қай пари пайкарга дерсен, телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.

Эй кўнгил, тарки насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

АГАР ОҚИЛ ЭСАНГ

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг,
Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг ийсор,
Хатосиз қасди жонинг қилғусидур, гар хато қилсанг.

Инсон умри мазмунига чуқурроқ қараладиган бўлса, «жаҳон аҳли» билан улфат бўлмаслик ёки яқинлик ришталарини узмоқлик оқиллик эмас. Оқиллик - бирдамлик ва биродарлик йўли. Унда меҳр зиёси бор. Бу зиё ҳеч вақт инсонни инсондан узоқлаштирмайди. Лекин Ҳазрат Навоийнинг «Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким», деган даъват сўзларига ҳам шак келтириб бўлмайди. Чунки шоир «юз йил вафо» қилганда ҳам бирор бор вафо кўрсатмоққа қодирлиги йўқ жафо аҳлидан қочиш ҳақида гапирганлар. Ҳақиқат инсон хоҳишидан устун. Ана ўшандай оқибатсиз, бевафолар «жаҳон аҳли» деган тушунчанинг асосий таркибини ташкил қилган бўлса, Мир Алишер Навоий бундан қандоқ қилиб кўз юмсинлар? Дунёда жафокорлик шу қадар шаклланганки, агар бировга «юз Хито мулки»ни ҳадя этсанг ҳам у сенинг жонингга қасд қилишда янглишмайди.

Ҳазрат Навоий - бағри кенг шоирдирлар. Ва у киши ҳамиша бағри кенглигига содиқдирлар. Шунинг учун вафо туйғуси, вафога содиқлик шеър бағрида чиройдай нурланиб турибди.

ВАФО МАДҲИ

Навоийнинг лирик қаҳрамони – вафо тимсоли. У вафо бобида шу даражага етганки, агар вужуди тупроғини йўқлик шамоли совурса, унинг зарралари вафо аҳли кўзига тўтиёликка ярайди:

Вафо аҳли тонг эрмас кўзларинга тўтиё қилмоқ,
Вужудум туфроғин гард айлабон боди фано чекса.

Навоий ҳар қанча бевафолик кўрганда ҳам вафони тарк этмасликка чақиради. Навоийнинг вафоси ёр, даҳр, замона аҳлидан вафога вафо билан жавоб қайтишига боғлиқ бўлмаган даҳлсиз, ўзгармас қадрият:

Замона аҳлидин кўз тутмасун меҳру вафо подош,
Киши юз йил аларға гар вафо айлаб, жафо чекса.

Гарчанд ёр, замона, чарх, даврон – бевафо, жафокор:

Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру,
Жафосидин аниинг озурддадур аҳли вафо асру.

Вафо аҳлининг бу қадар ноёблигига сабаб эса даврон ва унинг турли-турли балоларни ёғдиришидадир:

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар андин эркинким,
Бу эски тоқ аларга ёғдурур гарди бало асру.
Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаъ қилдим
Вафо, астағфируллоҳ, қилған эрмишмен хато асру.

Хўш, йиллар давомида жонни фидо айлаб олам аҳлидан вафо кутган инсон ёрдан, даврондан бевафолик кўрганда ўзини қандай тутиши керак? У ҳам бевафоликка вафосизлик билан жавоб қайтариши керакми? Йўқ, у бевафоликка икки карра ортиқ вафо билан жавоб бериши керак, дейди Навоий. Унинг ақидасича, вафо мувофиқ жавоб қайтишидан умидворлик билан эмас, холис қилиниши керак. Қолаверса, асл инсон учун бошқа йўл ҳам йўқ. Чунки агар у ҳам даврон аҳли каби бевафолик йўлига ўтса, унинг жафокорлардан ҳеч фарқи қолмайди. Демак, ҳақиқий инсон учун вафодан бўлак йўлнинг ўзи берилмаган. У вафо қилиш, унга нисбатан қилинган бевафоликларга матонат билан чидаш, кишилардаги бевафолик (яъни салбий иллат)ни ўзига олиш орқали уларни ушбу ва бошқа иллатлардан поклаш учун яралган. Шу сабабли ҳам лирик қаҳрамонга жавру жафосини тўкиб-солиб ундан фориғ бўлган маъшуқанинг элга вафо кўрсатиши бежиз эмас:

Вафосиз ёр бепарволиғнингму сўзин айтай,
Манга жавру жафо тийғин уруб, элга вафосинму?

Навоийнинг лирик қаҳрамони элнинг бевафоликдан халос бўлишини ўйлаб ўзини муттасил жафо ўқларига қалқон қилади:

Вафони, эй вафосиз, элга кўргузсанг карам айлаб,
Жафокаш жонима боре мусаллам тут жафоларни.

Навоий наздида вафодор инсон – денгиз, бевафолар эса кирланган ирмоқлар. Ирмоқлар денгизга қуйилиб тозалангани каби инсонлар ҳам вафодорларга яқинлашиб иллатлардан тозаланадилар. Шоирнинг аҳли давронда вафо йўқлиги ҳақида гапириши асло уларни маломат қилиш эмас. Навоийнинг инсонга муҳаббати шу қадар баландки, у даврон аҳлининг вафосизлиги сабабларини ҳам ўзидан қидиради: демак у инсонларнинг ёмон иллатлардан тозаланишларига боис бўла олмаяптики, улар орасида бевафолик урчимоқда. Шунинг учун ҳам Навоий бевафоликка дуч келганда аввалambор ўзини поклаш, ўз кўнглидан ёмон иллатларни қувиш, жафога «фано сарриштасини муҳкам тутиш» орқали жавоб беришга чақиради:

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлига йўқ эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен фано сарриштасин муҳкам тутай.

Навоийда вафо нафақат ахлоқий, балки теран ижтимоий тушунча ҳамдир. Шунингдек, вафо инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилати, балки инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни белгиловчи, тартибга солувчи меъзон. Навоий тушунчасича, агар инсонлар ўртасида вафо кенг ёйилса, уларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари ҳам ўзининг асл изига тушади. Вафо кишининг ҳам алоҳида инсон, ҳам жамият билан алоқасини белгилайди ёки аслида белгиламоғи керак. Шу сабабли ҳам улуғ мутафаккир ижодида вафо даҳр, олам, дунё, даврон, эл, улус, шоҳ, султон сингари ижтимоий тушунчалар билан боғлиқликда талқин этилади:

Давронга вафо чун йўқ, шукр айлаки, кўнглунгни
Ул сари Навоийдек кўп боғламадинг боре.

Ёки:

Элда чун йўқтур вафо саҳроға қилдим азиким,
Халқ ила кўргунча кишвар ваҳши ила саҳро кўрай.

Ёки:

Даҳр бўстонида чун йўқтур вафое, эй кўнгул,
Лоладек гулгун қадаҳ тут, ғунчадек бир дам очил.

Юқоридаги мисоллар мутафаккир шоир ижодида вафо ахлоқ масаласидан ижтимоий масала даражасига юксалганини яққол кўрсатади. Навоий жамият ва унинг аъзоларида вафо бўлишини истайди, чунки давронда вафо дарахтининг гуллаб-яшнаши жамият маънавий соғломлигининг белгисидир. Бинобарин, Навоийда вафо – жамиятни маънавий соғломлаштириш воситаси. Унинг қадри ва аҳамияти ҳам шунда.

Нодир РАМАЗОНОВ,
ЎзРФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими

Саҳифани тайёрловчи:
Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» мухбири

РАВИЛ НАЧАЕВ – МАМЛАКАТ РЕКОРДЧИСИ

Сузиш бўйича мамлакатимизнинг энг номдор спортчиларидан бири, Афина олимпиадаси иштирокчиси Равил Начаев Москва шаҳрида ниҳоясига етган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, финал босқичига йўл олди.

Жаҳоннинг 21 давлатидан 400 нафар спортчи иштирок этган мусобақаларда юртимиз шарафини олти сузувчимиз: Равил Начаев, Андрей Марковин, Олег Пухнатий, Ибрагим Назаров, Ирина Шлемова ҳамда Максим Шиловлар ҳимоя қилишди. Шубҳасиз, жаҳоннинг энг сара спортчилари орасида Равил ажойиб натижани қайд этди. Аввалига у 50 ва 100 метрга «баттерфляй» усулида сузиш баҳслари финалига йўл олган бўлса, 100 метрга эркин усулда сузиш мусобақаларида 50 сониядан кам вақт кўрсатган спортчи сифатида тарихдан жой олди.

Фахр

Шунингдек, 400 метрга сузиш баҳсларида у шахсий ва мамлакат рекордини ўрнатди. Бу масофани 4 дақиқаю, 04 сонияда босиб ўтган вакилимиз бу масофада ҳам кучли эканлигини исботлади. Касаба уюшмалари спорт мактабининг тарбияланувчиси Равил Начаев энди жаҳон чемпионатининг финал босқичида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

А.МАМАЖОНОВ



Эртани ўйлаб

Термиз шаҳрида жойлашган вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-сон футбол мактаб-интернати вилоятнинг энг намунали ва кўзга кўринган спорт масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 5-синфдан 11-синфгача бўлган болалар таълим олишади. 200 ўринли ётоқхона, 120 ўринли ошхона ёшлар ихтиёрида. Футболчилар 3 маҳал иссиқ овқат ва зарурий спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган. Тажрибали мураббийлар Ж. Амирқулов, М. Қурбонов, В. Андреев, Ф. Мустафоқулов ва бошқалар ёш футболчилар маҳоратига сайқал бериш учун тинимсиз изланмоқдалар.

УЛАР "СУРХОН"ДА ТЎП СУРИШАДИ

Мактаб-интернатда айни вақтда 175 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Жисмоний тарбия дарси ва машғулотларига 12 соат ажратилган бўлиб, амалий машғулотлар ёш футболчилар кучига куч, ғайратига-ғайрат бағишлаётир. Футболчилар вилоят ва республика мусобақаларида фаол иштирок этиб, яхшигина ўринларни эгаллашга муваффақ бўлмоқда. 2003 йилда мамлакат биринчилиги ҳамда 2004 йилда эса Қарши шаҳридаги мусобақаларда жонбозлик кўрсатиб, муносиб ўринларни қўлга киритдилар.

Бу даргоҳда таълим-тарбия олган футболчилар - Одил Юсупов, Илҳом Шомуродов, Жасур Худойқулов, Азамат Жўрамуродовлар бугун «Сурхон» жамоасида тўп суришмоқда.

— Қилинадиган ишларимиз ҳали анчагина. Улар қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик яхши. Зеро, муваффақиятнинг чегараси бўлмайди, - дейди биз билан суҳбатда мактаб-интернат директори Рустам Ражамаҳмудов.

Термиз шаҳар халқ таълими бўлимидагиларнинг таъкидлашича, шаҳардаги 16 та умумтаълим ўрта мактабларида бир қатор спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

16-умумтаълим ўрта мактабида эса спорт зали қурилмоқда. Шунингдек, 15-умумтаълим ўрта мактабида ҳам капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий таъмирлаш ишлари 9- ва 1-мактабларда ҳам амалга оширилади.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» мухбири

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида аҳоли кенг қатламларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, айниқса, болаларни бу муҳим ишга жалб этишни фаоллаштириш, мусобақалар, оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирларини кенг кўламда ўтказиш белгиланган.

ОВУЛ

спорт соғломлаштириш клуби

Тўрткўл туманида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Туман маркази, мактаблар ва ўқув юртлари, овулларда ўнлаб замонавий мажмуалар барпо этилди.

Туманнинг Туркистон, Янгиобод, Ёшлик маҳаллалари, Ёнбошқалъа, Шўрахон овулларида спорт майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Марказдан 80 километр олисда жойлашган Кўкча овулида спорт ишқибози Талаббой Довулбоев ажойиб ташаббуси ва овул фуқаролар йиғинининг қўллаб-қувватлаши билан «Кўкча» спорт соғломлаштириш клуби ишга туширилди.

Ибрат

Яратиб берилган шароит ёшларнинг истеъдодларини намойиш этиши учун қулайлик яратди. Ҳозирги пайтда 300 га яқин йигит-қиз машғулотларда қатнашмоқда. Ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиб, ўсмирлар ўртасида жиноий хатти-ҳаракатлар кескин камайди.

Клуб қошида тўгараклар ташкил этилган бўлиб, болалар спортнинг бир қатор турлари билан шуғулланишяпти. Волейболчи қизлар қишлоқ ёшлари спартакиадасида иштирок этиб, биринчи ўринни эгалладилар. «Кўкчатов» футбол жамоаси кўп йиллардан бери ғолибликни қўлдан бермай келаяпти.

«Футболимиз келажаги» шиори остида ўтган 12-14 ёшли болалар турнирида клуб аъзолари ғолибликни қўлга киритишди. Туман биринчилигида кўкчалик каратэчилардан ўтадигани бўлмади. Ёш полвон Музаффар Содиқов ўз вазни бўйича республика мусобақаларида совринли ўринни эгаллади.

Олис қорақалпоқ овулида спортнинг миллий кураш, каратэ, футбол, волейбол, теннис, оғир атлетика каби турларини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Энг муҳими, ҳашар йўли билан спорт масканлари қурилиб, ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиши учун барча қулайликлар яратилган.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ҚАРАШЛАР ВА ФИКРЛАР

Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида Валентин Ермаковнинг «Қарашлар. Фикрлар» деб аталган фотокўргазмаси очилди. У Тошкент Фото уйи ва Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилди.

В.Ермаков фотосанъат ихлосмандларига яхши таниш. У «Менинг севимли шаҳрим», «Азиз қарияларимиз», «Ўзбекистон: севги изҳорлари», «Маҳалла - мен яшаётган олам», «Сув - бу ҳаёт» каби танловларда ғолиб чиққан.

Бу галги шахсий кўргазма фотосанъатнинг деярли барча жанрларида ижод қилган В.Ермаков ижодининг турли қирраларини очиб беради. Кўргазмада портрет жанрига кенгроқ ўрин берилган.

ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

«Асака ўқув комплекси» шўъба хўжалик жамияти томонидан 22 ўринли, тўрт юлдузли «ОАЗИС-АСАКА» меҳмонхонаси ишга туширилди.

- Меҳмонхонамизда мижозлар учун барча қулайликлар - ўқув ва бизнес маркази, конференция зали, сузиш ҳавзаси, сауна ва фитнес залига эга спорт-соғломлаштириш мажмуи, ресторан, қишки ва ёзги ошхона, автомобиллар учун тўхташ майдончаси мавжуд, - дейди жамият раҳбари Фаррух Тошхўжаев ЎзА мухбирига. -Меҳмонлар хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Меҳмонхона хоналари замонавий мебел, телевизор, халқаро тизимларга уланган алоқа воситалари билан жиҳозланган.

Футбол-тест

КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1. Миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Владимир Шишелов бу йил қайси жамоа билан шартнома имзолади?
A) «Пахтакор» (Тошкент)
B) «Химки» (Россия)
C) «Қизилқум» (Навоий)
D) «Динамо» (Киев)

2. «Рио-де Жанейродан Монтевидеогача» асари муаллифини аниқланг.
A) Биродар Абдураимов
B) Роберто Иван
C) Дмитрий Шапран
D) Геннадий Красницкий

3. Осиё қитъаси миллий терма жамоалари ичида жаҳон чемпионатининг чорак финалида илк бор қайси юрт футболчилари иштирок этган? Бу воқеа қачон рўй берган?
A) КХДР, 1966 йил
B) Япония, 1962 йил
C) Саудия Арабистони, 1968 йил
D) Ироқ, 1954 йил

4. «Себатспор» жамоаси қайси мамлакат биринчилигида қатнашишини биласизми?
A) Миср олий лигасида
B) Португалия суперлигасида
C) Туркия суперлигасида
D) Россия биринчи дивизионида

5. Руминиянинг XX асрдаги энг зўр футболчиси, деб тан олинган Георге Хаджини қандай ном билан аташган?
A) «Карпат Марадонаси»
B) «Иккинчи Пеле»
C) «Руминиялик Марадона»
D) «Румин шаҳзодаси»

6. 1996 йили мамлакатимиз биринчи лигасида ... жамоа қатнашган.
A) 15 та
B) 16 та
C) 26 та
D) 27 та

7. Жанубий Америка футбол клублари ўртасида ўтказиладиган энг нуфузли мусобақа қандай аталади?
A) Конкакаф кубоги
B) Либертадорес кубоги
C) Чемпионлар лигаси
D) Тўғри жавоб йўқ

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

Азалдан меҳр-мурувватли, оқибатли халқмиз. Бир-биримизга елкадош, саховатли бўлиб келганмиз. Бугун ҳам аждодларимиз анъаналарини давом эттираётган - саховатпешалар кўплаб топилади.

КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИГА МУРУВВАТ ЁРДАМИ

- Жиззах шаҳридаги «Жибри» қўшма корхонаси, Дўстлик туманидаги «Эл-эрк-Нур» фирмаси ҳамда юзлаб фермер ва тадбиркорлар кўрсатаётган хайр-саховат ишлари таҳсинга сазовордир, - дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Сакина Алмамедова. - Улар ҳомийлигида 1200 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди. 380 та оила электр энергияси ҳақи тўловидан йил мобайнида озод этилди. Боқувчисини йўқотган 241 та оилага газ ўлчагич асбоблари бепул ўрнатилди. 93 нафар ногиронга махсус аравачалар берилди. 1830 нафар ногирон ва ёлғизларга 12,4 миллион сўм тарқатилди. 1186 нафар киши сиҳатгоҳларда бепул дам олдирилди. Вилоят кўзи ожизлар жамиятига «Матиз» автомашинаси ажратилди. Жиззах шаҳри ва 7 та туман марказий касалхонаси «Дамас» русумли тез ёрдам машинаси билан таъминланди.

Зомин туманида жойлашган Мурувват уйига «Матиз» автомашинаси, туман ҳокимининг қарори билан 50 гектар ер майдони, рангли телевизор, 20 дона гилам совға қилиниши ҳам қувончли ҳол, албатта. Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши тиббий ҳамширалари 314 нафар ёлғиз қарияга тиббий, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишмоқда. Шунингдек, 150та кам таъминланган оилага 1 миллион 200 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Кўмакка муҳтож оилаларнинг бемор фарзандларини даволашга ёрдам бериш ташаббуси билан чиққан вилоятдаги барча банк муассасалари томонидан болалар шифохонаси, юқумли касалликлар шифохонаси ҳисоб рақамига 1 миллион 655 минг сўм маблағ ўтказилди. Иш сўраб мурожаат қилган хотин-қизларнинг 1586 нафари янги иш ўринларига эга бўлди.

Вилоятдаги 200 нафар боланинг суннат тўйи, 118 келин-куёвнинг никоҳ тўйлари ҳомийлар томонидан ўтказиб берилди. 1150 нафар кам таъминланган фуқаро вилоят ҳудудида қатновчи автобусларда бепул юриш чипталари билан таъминланди.

Ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотган оилаларга 3 миллиард 885 миллион сўмликдан ортиқ мурувват ёрдами кўрсатилди. Унинг 2 миллиард сўми ҳомийлар ҳиссасига тўғри келади.

Бошқарма бошлиғининг таъкидлашича, бундай саховатли, мурувватли хайрли ишлар ҳар йили амалга оширилиб келинмоқда. «Сиҳат-саломатлик йили»да ҳам хайрли ишлар давом эттирилади. Хусусан, вилоят дастурига кўра бемор қарияларга уларнинг уйларида тиббий хизматни янада яхшилаш чоратадбирлари кўрилди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

"ТЕЗ ЁРДАМ" ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Ҳар бир жамоанинг меҳнат муваффақиятида ходимларнинг саломатлиги муҳим ўрин тутади. Зеро, жисмонан соғлом ва бақувват кишигина кўзлаган максадига эришади. Бу эса шифокорлардан катта масъулият талаб қилади. Айни пайтда Қашқадарёда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, «Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури» юзасидан бир мунча хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Яқинда Чироқчи туман марказий шифохонаси қошида иш бошлаган ота-оналар маслаҳатхонаси, Қарши шаҳридаги кўп тармоқли болалар шифохонаси, туманларда янгидан қурилиб ишга туширилган қишлоқ врачлик пунктлари, республика шошилинч тез тиббий ёрдам марказининг вилоят ва туманлардаги бўлимларида малакали шифокорлар меҳнат қилаяптилар.

Деҳқонобод туман марказий шифохонаси бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Холмирза Жўраевнинг таъкидлашича, шифо маскани 105 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан марказий шифохонанинг туғруқ бўлими «Болага самимий муносабатли шифохона» деб эътироф этилганлиги эса тиббиёт ходимлари масъулиятини янада оширди.

- Туманда репродуктив саломатликни яхшилаш учун шифокорларимиз астойдил иш юритаяптилар, - дейди акушер-гинеколог врач Маъмура Қўзибоева. - 23 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг соғлиги назорат қилиб турилибди. Бунинг учун 11 та қишлоқ врачлик пункти, 6 та қишлоқ участка шифохонаси, 3 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 та шифоатхонада аҳоли саломатлигини доимий назорат қилиб бориш учун 15 та гуруҳ ташкил этилган. Бугунгача репродуктив саломатлик бўйича 83 нафар шифокор малакаларини оширдилар.

Тумандаги ташкилот ва корхоналарда «Соғлом оила» дастури бўйича кўкрак сути билан озиқлантириш ва бехатар оналикни таъминлаш, соғлом оила турмуш тарзини мукаммаллаштириш мавзуларида суҳбатлар уюштирилиб, бир неча марта тушунтириш ишлари олиб борилди.

Аҳоли саломатлигини сақлаш Ғузор туманида ҳам ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунда 50 ўринли юқумли касалликлар, 225 ўринли марказий, 60 ўринли болалар шифохоналари билан бирга 25 ўринли ижтимоий реабилитация шифохоналари, 26 та қишлоқ врачлик пунктлари хизматидан аҳоли мамнун. 317 нафар врачнинг 34 нафари олий, 219 нафари эса биринчи тоифали мутахассислар ҳисобланади.

2001 йилда марказий шифохонада 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлими ишга туширилганлиги туманда аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Хўжақулованинг таъкидлашича, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун оталиқ ташкилотларнинг ёрдами катта бўлаяпти. Биргина мисол: тумандаги «Истиқлол» жамоа хўжалиги ушбу йўналиш учун 5 миллион сўм маблағ ўтказиб берди.

Туманда бўлган кунимиз шифохона бош врачи Барот Ортиқов ажойиб бир янгиликдан бизни воқиф қилди. Тиббиёт ходимлари ўртасидаги спорт мусобақаларида мунтазам равишда қатнашиб, туман ҳамда вилоят шарафини ҳимоя қилаётган шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими бош ҳамшираси Зулҳумор Мардонова оилавий спорт беллашувларида ғолиб чиқиб, республика босқичига йўлланма олибди.

- Оиламизда барчамиз спорт билан мунтазам шуғулланамиз, - дейди Зулҳумор Мардонова. - Опам Дилором, келинларим Дилрабо, Дилафрўзлар билан энди вилоят шарафини ҳимоя қиламиз.

Ш.СУЛТОНОВ

Суратларда: 1. Деҳқонобод туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлими шифокорлари акушер-гинеколог врач Маъмура Қўзибоева (ўнгдан биринчи) ҳамширалар Ойзира Бердиева ва Зулфия Азимовалар билан галдаги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда. 2. Касби туман тез тиббий ёрдам бўлими навбатчилари. 3. Ғузор туман шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими бош ҳамшираси Зулҳумор Мардонова.

Биласизми?

КИТОБ КЕНГЛИК СТАНЦИЯСИ

Берлин шаҳрида 1895 йилда чақирилган XI халқаро геодезия конференцияси Ер қутбларининг ҳаракатини аниқлаш учун географик кенгликларнинг ўзгаришини мунтазам кузатиб борадиган махсус станциялар ташкил этиш зарур деб топди. 1899 йили Ер куррасида бешта ана шундай халқаро кенглик станциялари барпо этилиб, ишга тушурилди.

Уларнинг ҳаммаси Ернинг шимолий ярим шарида бўлиб, географик кенглиги бир хил бўлган параллелда жойлашган. Хусусан, АҚШнинг Гейтерсберг ва Юкайа, Италиянинг Карлофортеда ва Япониянинг Мицузава шаҳарларида, бешинчиси Чоржўйда ташкил этилган эди.

Амударёга хос бўлган тошқинлар оқибатида сув йўлларининг тез-тез ўзгариб туриши натижасида дарёга яқин жойлашган Чоржўй станцияси 1919 йилда ўз фаолиятини тўхтатди.

Шундан кейин янги халқаро кенглик станциясини қуриш масаласи туғилди. Бу масалани ҳал этишда Тошкент астрономия обсерваторияси ташаббус кўрсатди. 1925 йили машҳур ўзбек астрономи Улуғбекнинг илмий фаолияти бошланганига 500 йил тўлганлиги муносабати билан ўтказилган йиғилишда янги кенглик станциясини Ўзбекистон диёрида барпо этиш ва унга Мирзо Улуғбек номини бериш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Бўлажак станция учун Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳридан икки километр шимолроқда жойлашган кўркам жой танланди. У янги телескоп ва зарур илмий ўлчов асбоблари билан таъминланди.

А.АЛИЕВ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кенгашининг Чирчиқ шаҳри бўйича вакили Мукаррамхон Исроиловага падари бузруквори

Умархўжа ТЎРАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти Кенгаши шу тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилояти Кенгашининг Чирчиқ шаҳри бўйича вакили Мукаррамхон Исроиловага отаси

УМАРХЎЖА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти Кенгаши Ангрен шаҳридаги 73-мактаб-интернати раҳбари

Ҳокимхон ЭШОНЧАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 115 23456